«ЎЗБЕКИСТОННИНГ НЕФТГАЗ САЛОҲИЯТИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Мен сизларни қадимий ва абадий навқирон Ўзбекистон диёрида қутлаётганимдан астойдил хурсандман. Ўзига хос ва мос иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олган республикамиз белгиланган мақсад — иқтисодиёти ижтимоий соҳага йўналтирилган демократик жамият барпо этиш сари комил ишонч билан олга бормоқда. Диёримиздаги тинчлик ва осойишталик иқтисодиётнинг янги устувор тармоқларини ривожлантириш учун кенг истиқболлар очмоқда.

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган салкам олти йил нефтгаз комплексини ривожлантиришда бурилиш йиллари бўлди. Ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига эга бўлган Ўзбекистон бугунги кунда жаҳондаги газ ва конденсат ишлаб чиқарувчиларнинг етакчиларидан бири ҳисобланади. Мана шу энергия манбаларининг катта-катта заҳиралари ўзимизнинг эҳтиёжларимизни тўлиқ таъминлабгина қолмай, шу билан бирга уларни экспорт қилиш имконини ҳам беради. Ўзбекистон ҳудудининг 60 фоизга яқини уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳисобланади.

Эндиликда бу — сармоя қўйишнинг энг манфаатли соҳаларидан биридир. Ҳозирги вақтда хорижий компанияларнинг фаол иштироки билан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Кўқдумалоқ конидаги жараён — сайклинг учун компрессор станцияси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бутун минтақада буларга тенг келадиган иншоотлар йўқ. Шўртан конидаги газ-кимё комплексида ва Хўжаобод ер ости газ омборида йирик қувватлар қурилиши фаол давом этмоқда. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тубдан қайта қурилмоқда.

Бизнинг катта миқёсли лойиҳаларимизга сармояларини ўзаро манфаатли асосда қўяётган хорижий фирмалар, компаниялар ва корпорациялар учун Ўзбекистонда барча қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Азиз дўстлар!

Ишончим комилки, «Ўзбекистоннинг нефтгаз салоҳияти» халқаро конференцияси ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқларини очади, шерикларга хос алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга қўмаклашади.

Ўз ишини бошлаётган анжуманнинг барча қатнашчиларига кўзда тутилаётган вазифаларни рўёбга чиқаришда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ХАЛҚАРО ТАЛАБГА МОС

Яқинда Тошкент Давлат аграр университетида «ТАСИС-ТЕФАП» дастури бўйича уюштирилган семинар якунланди. Ушбу йиғилишда Англия, Польша, Норвегия каби мамлакатлардан келган олиму фермерлар, «ТАСИС-ТЕФАП» лойиҳасининг бошлиғи Майкл Джонс, Фил Армитаж, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи Х.Ҳамидовлар иштирок этишди. «ТАСИС-ТЕФАП»нинг вазифаси мамлакатимизда фермер ва қишлоқ хўжалик ходимларини тайёрлаш, ўқитиш ва зарур техникалар билан ёрдам беришдан иборат.

Бундай семинар вилоятларда ҳам ўтказилади.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.

Партия ахбороти

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ АТОҚЛИ АРБОБИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти «Чўлпон — атоқли ёзувчи ва жамоат арбоби» мавзусига бағишланди. Унда таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг бўлим мудири, Беруний номидаги Давлат мукофотининг соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов маъруза қилди. Машғулотда бу йил мамлакатимизда таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланадиган оташин шоир, моҳир драматург ва романнавис, таниқли адабий танқидчи Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпоннинг XX аср ўзбек адабиёти ва маданиятида тутган ўрни, мустабид шўро тузуми шароитида унинг асарларида ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналмилалчилик, эрксеварлик ғоялари бадиий бўёқларда тараннум этилганлиги, шу сабабли, адиб қатағон қурбони бўлганлиги ҳақида гапирилди. Чўлпоннинг сермаҳсул ижоди, унинг ёрқин ҳаёти бугунги кунда мустақил мамлакатимизнинг истиқлол маънавиятини шакллантиришга хизмат қилаётганлиги таъкидланди.

Машғулотда Ўзбекистон ХДП МК, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар, пойтахт туман кенгашлари масъул ходимлари, партия марказий нашрларининг ижодий ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 22 май, пайшанба № 59 (22.143).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

20 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РЕСПУБЛИКА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМЛАР, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ. УЧРАШУВДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН ВА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ МОҲИЯТИНИ АҲОЛИ КЕНГ ҚАТЛАМЛАРИГА ЯНАДА ЧУҚУРРОҚ ЕТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА СЎЗ БОРДИ.

Мустақилликка эришгандан кейинги йиллар ичида жамиятимиз ҳам, одамлар онги ҳам тубдан ўзгарди. Давлат миқёсида умуминсоний қадриятларнинг жамият манфаатларидан-да устувор эканлиги эътироф этилди. Бугунга келиб, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш жараёни изчил бормоқда. Бу борада халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ривож топмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон 1993 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида тасдиқланган тамойилларга содиқлигини намойиш этиб келяпти. Ҳозирги кунгача мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича дунёдаги 21 та асосий пакт ва конвенцияларга қўшилган. Мамлакатимиз парламентида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вакили (омбудсмен) институти ташкил этилган. Бундан ташқари, юртимизда бир қатор нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаол ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи қатор тегишли қонунларни қабул қилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза этишни албатта биргина қонунлар қабул қилиш билангина рўёбга чиқариб бўлмайди. Бунда аҳолининг мазкур қонунлардан хабардорлигини таъминлаш, халқнинг бу соҳадаги ҳуқуқий маданиятини ошириш ўта муҳим ўрин эгаллайди. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси одамларнинг ўз фуқаролик сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларни ва бу ҳуқуқларга амал қилинишини таъминловчи тамойилларни яхши билишлари, умуман олганда ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига боғлиқ. Демак, биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик жамият қуришга интилаётган эканмиз, эндиги асосий вазифа одамларимизнинг ҳуқуқий билимлар билан бойиб, маънавий ва маърифий жиҳатдан юксалишига, ўзлари ўз ҳаётларини яхши томонга ўзгартира олишларига бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Куни кеча мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган учрашувида ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратганликлари бежиз эмас.

— Эркин ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишни эзгу мақсад қилиб олган эканмиз, — деди жумладан Президентимиз мазкур учрашувда, — бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Биз нинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга қаратилган. Шу маънода халқимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, унинг ислоҳотлар ижрочиси сифатидаги фаоллигини ошириш, эзгу мақсадларимизни қалбдан тушунишга ва қўллаб-қувватлашга эришиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Юртбошимиз ушбу вазифани амалга оширишда учта субъект, яъни давлат, жамият ва фуқаролар муносабати уйғунлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

— Шу учта субъект ўртасида уйғунлик бўлса биз орзу қилган давлатни қураоламиз,— деди давлатимиз раҳбари. — Бу уйғунликни таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилишимиз, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини оширишимиз зарур.

Хўш, ҳозирги пайтда шу учта субъект ўз ўрнини, ҳуқуқини яхши биладими? Учрашув чоғида юртбошимиз бу масала ҳақида алоҳида тўхталди. Маълумки, давлат ҳуқуқи илгаритдан бизда устувор бўлиб келган. Эсингиздами, собиқ тузум даврида эски органлар давлат манфаати ниқоби остида қандай қинғирликни амалга оширгани. Шу ўринда бугунги кунда мустақил мамлакатимиз Конституцияси қайси субъектни авваламбор ҳуқуқий жиҳатдан устувор деб билади, эски совет Конституцияси билан бугунги Ўзбекистоннинг демократик Конституцияси фарқи нимада, деган савол туғилиши табиий. Собиқ совет Конституцияси давлат ҳуқуқини ҳимоя қилган бўлса, бугунги Ўзбекистоннинг Асосий Қомуси биринчи навбатда инсон ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди.

Давлат ва фуқаролар уйғунлигини таъминлашда эса жамиятнинг роли беқиёс. Шу ўринда биз жамият субъекти ўзи ким, у қандай талқин қилинади деган саволга ҳам жавоб топишимиз керак. Жамият субъекти турли ижтимоий-сиёсий тузилмалар, партиялар, ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳаллалар, нодавлат ташкилотлари бўлиши мумкин. Уларнинг фуқаролар билан мустаҳкам алоқасини йўлга қўйиш, ўзвий боғлаш ҳам кишиларимиз ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари инсон субъекти ҳақида гапирар экан, эндиликда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва қониқмаларни шакллантириш, пировардида эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий маданиятни таркиб топтириш ғоят муҳимлигини қайта-қайта таъкидладилар. —Инсон ҳуқуқлари, энг аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онгга келиб тақалади, — деди жумладан Президент. Шу боис, одамларимиз онгидаги эскича психологияни ўзгартириб, уларда янгича ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бугунги ҳаётимизнинг талабидир. Ҳар биримиз инсон эркинликлари айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини ҳам аниқ ҳис этмоғимиз лозим. Ана шундагина мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш мумкин бўлади.

Ўзи ҳеч бир давлатда демократик жамият бир зумда, қисқа муддатларда таркиб топмаган. Бу жараён узлуксиз, тадрижий тарзда ривожланиб борган. Ҳатто жаҳонда ўта демократик деб ҳисобланган АҚШ ва Францияда ҳам демократик тамойилларни шакллантириш 200 йилдан буён давом этиб келмоқда. Мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва умуман демократик принципларни жорий этишда бошқа давлатлардан тўлалигича нусха олмайди, ўз йўли ва тамойилларига асосланади.

Албатта, адолатли демократик жамиятни қуришда мамлакатимиз умумдемократик халқаро андозаларга, тамойилларга риоя қилади. Лекин шу билан бирга демократик принципларни шакллантиришда аждодларимиз амал қилган миллий қадриятлар, шарқона маданият ва маънавият тамойиллари ҳам инобатга олиниши шарт. — Чунки демократик давлат пойдеворини қуриш учун кўп ўн йиллар керак бўлади, — деди юртбошимиз. — Буни узоқни ўйламасдан, чуқур дастур ишлатмасдан, шошма-шошарлик билан ҳал қилиб бўлмайди.

Шу ўринда МДҲнинг айрим давлатларидаги аҳволни эслаш ўринли. Гап шундаки, яқин ҳамдўстлик давлатларида юз бераётган фуқаролар уруши, жиноятчиликнинг илдиз отиб кетганлиги, одамларнинг қийинчилик домига ташлаб қўйилиши, меҳнат аҳлининг иш ҳақи, нафақаларини ўз вақтида ололмаётганлиги ва охироқибатда буларнинг барчаси мазкур мамлакатларда аҳолининг ижтимоий норозилигига сабаб бўлмоқда. Шундай бир шароитда бу давлатлар фуқароларининг ўзи бундай демократиянинг нима кераги бор, деган ҳақли саволни қўйиши ўринлидир.

Ўзбекистондаги тинч-осойишталик, фуқаролар тотувлиги, юртимиздаги барқарорлик эса бизларни ён-атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб, ўзимиз танлаб олган аниқ йўлдан дадил олга қадам ташлашга ундайди. Бинобарин, бугунги кунда демократик тамойилларни кенг халқ оммасига босқичма-босқич тушунтириб, бу тамойилларнинг ҳаётимизнинг ўзвий қисмига айланганини фуқаролар орасида кенг тарғиб қила бориш зарур. Бунда, юртбошимиз эътирофича, қуйидаги муҳим масалаларга эътиборни қаратиш лозим: **биринчидан,** давлат миқёсида қандай қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинаётганидан оддий фуқаролар қай даражада хабардор, устувор йўналишлар, давлат дастурлари ва қонунлар аҳамиятини аҳолининг барча қатламлари тушуниб етяптими, одамлар қонунларни қандай англашмоқда — шу саволларга жавоб топиш лозим.

Иккинчидан, мана шу қонунлар амалиётга жорий қилинаётганидан, фармон ва қарорлар ижроси таъминланаётганидан фуқаролар воқифми? Ва шунга тегишли бўлган учинчи масала — бошқарув бўғинларида оддий фуқароларнинг фаол иштироки таъминланяптими? Бу уч принцип ўта муҳим бўлиб, шу нарса таъминланса демократик жамият барпо этиш жараёнлари мумкин қадар тезлашади. Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва оммавий ахборот воситалари ҳам ушбу масалаларни ҳал қилишда, давлат, жамият ва фуқаро манфаатлари уйғунлигини таъминлашда фидойилик ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатишлари зарур.

Мулоқот чоғида республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, адлия вазири С. Мирсафоев, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директори А. Саидов, Конституциявий суд Раиси Б. Эшонов, Тошкент юридик институти ректори Ҳ. Бобоев ва бошқалар юқорида муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Суҳбат пировардида Президент Ислом Каримов фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлади. **Биринчидан,** халқимизнинг ижтимоий фикрини ўрганувчи нодавлат республика маркази ташкил этиш, вилоят ва туманларда унинг бўлимларини очиш зарур. **Иккинчидан,** Тошкент юридик институти қошида ҳуқуқий-маърифий тарғибот марказини тузиш, уни янгича тафаккурлайдиган кадрлар билан таъминлаш лозим. **Учинчидан,** Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқшунослар, соҳа мутахассислари малакасини ошириш марказини очиш керак. Шунингдек, Адлия вазирлиги қошида судлар устидан тушган аризаларни ўрганиш бошқармаси тузилса мақсадга мувофиқдир. Айни чоғда вазирлик ҳуқуқий масалаларга бағишланган дарсликлар, китобларни зарур бўлса давлат ҳисобидан арзон баҳоларда чоп этиши керак. Шунингдек, халқимизнинг ҳуқуқий билимини, ҳуқуқий маданиятини оширишни таъминловчи давлат дастури ишлаб чиқиш масаласи республика Олий Мажлисига тавсия этилди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, энг эзгу мақсадимиз — ҳуқуқий демократик жамият қурмоқ, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдирмоқдир, — деди сўзининг якунида юртбошимиз.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Андижонлик дўппидўз Табассум СОДИҚОВА. Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

ҚАЧОНГАЧА ТУРТКИ КЕРАК?

Она тилимиз Давлат тили мақомини олганига ҳам анча вақт бўлди. Доимо кўча-ю майдонларимиз тўрида ҳар бири уқлоғидек ҳарфларда, қулоч-қулоч матоларга битилган «Слава КПСС» ва бошқа шунга ўхшаш кўнгилга урган шиор-у, кўргазмалар, ўзбек тилида ёзилган девор хатларидан ҳоли бўлдик. Ўзбек тилида битилган идораларо расмий хатлар у даврларда анқонинг уруғи эди. Собиқ тузум даврида олис Тов қишлоғидаги юзни уриб қўйган момога ҳам бироз илтимос ёки шикоят қилиб ёзган хатига рус тилида жавоб бериларди. Аммо шундай бўлса-да ҳамон ўша қолипдан чиқиб кетмаётганлар, қўникиб қолганлар борлигига ҳайрон бўласан киши. То идора бошлиғининг биқинига туртиб «идорангиз номи қачон ўзбекча ёзилади?» демагунча, Давлат тили ҳақидаги Қонунни пеш қилмагунча, ўзича ҳаракат қилмайдиганлар топиляпти.

Фарғона шаҳар санитария-эпидемиология станцияси биносига кираверишда ҳозир ҳам қуйидагича ёзувга кўзингиз тушади: «Министерство здравохранения» Узб. ССР(!) Ферганская городская санитария-эпидемиологическая станция». Пештоқдаги ёзув ўртасида эса собиқ УзССР герби ҳам

Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз

ялтираб турибди. Наҳотки, шу шапалоқдек пештоқ ёзувини алмаштириб қўйиш учун муассаса раҳбарига юқоридан туртки керак бўлса? Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларидаги айрим кичик корхона, цехларга кираверишдаги пештоқларда ҳам фақат рус тилида ёзилган билдирувларни учратиш мумкин.

Фарғона шаҳар аэропортида Давлат тили ҳақидаги Қонунни тўлиқ амалга ошириш борасида анчамунча иш қилинган. Бинодаги деярли барча кўрсаткич хатлар, эълон ва билдирувлар ўзбек тилида битилган. Аммо йўловчига энг зарур ҳисобланган эълон — яъни, республикадан ташқарига ва маҳаллий шаҳарлараро йўловчи самолётлари учиш жадвали рус тилида битилган. Суриштирсак, бу жадвал Тошкентда тайёрланар экан. Демак, тепаси ва пастида икки-уч оғиз ўзбекча ибора ёзилгани ҳисобга олинмаса республикадаги барча аэропортлар тўрида Давлат тилида ёзилмаган жадваллар осиғлиқ турибди экан-да.

Бундан ташқари қатор корхоналарда расмий хатлар юбориш ва қабул қилиш жараёнида Давлат тили ҳақидаги Қонунга ҳамиша ҳам тўла риоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Лекин нима бўлмасин Амир Темур бобомиз ва Алишер Навоийдан кейин тарихимизда иккинчи марта улуғланган, Давлат тили даражасига кўтарилган она тилимизни янада қадрлаш, ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратган Давлат тили ҳақидаги Қонун бандларига амал қилиш, юқоридан кўрсатма ёки туртки кутиб ўтирмай, унинг бевосита ижроси билан шуғулланиш ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчидир.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Маълумки, АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн мамлакат қуролли кучларида ислоҳотлар ўтказиш лозимлиги ҳақида конгрессга таклиф киритган эди. Яқинда Пентагон маъмурияти бу борадаги дастурини эълон қилди. Унга мувофиқ, мамлакат қуролли кучларидаги ҳарбийлар сони 90 минг, заҳирадагилар сони эса 65 минг кишига қисқаради. Шунингдек, қуролли кучлар сафида хизмат қилувчилар сони ҳам 160 минг кишига қисқаради.***

* * *

☑ ***Исроил Бош вазири Беняминн Нетаняҳу мамлакат парламенти сессиясида бундан буён ҳам қўшни араб давлатларига нисбатан ўз сиёсатини ўзгартирмаслигини айтди.***

Мамлакатдаги «Авод» мухолиф партияси раҳбари Шимон Перес эса Нетаняҳу ҳукуматини қаттиқ танқид қилди. Унинг фикрича, Нетаняҳу бошчилигидаги ҳукумат Исроил билан нафақат Фаластин, балки барча араб давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлди. Шунингдек, у бундай сиёсат мамлакатда ижтимоий тарқоқликни вужудга келтириши мумкин, деган фикр билдирди.

* * *

☑ ***Хитой пойтахтида СПИД касаллиги муаммосига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда АҚШ, Буюк Британия ва Гонконгдан келган мутахассислар иштирок этмоқда.***

Анжуманнинг айнан Пекинда ўтказилишига сабаб, кейинги пайтлар Хитойда мазкур касаллик билан оғриганлар сони кун сайин кўпайиб бораётганидадир, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Маълумотларга қараганда, айни вақтда Хитойда бу бедаво дардга чалинган беморлар сони 6000 кишини ташкил этади.

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА



Миллат ва маънавият

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги республикамизда тарихшунослик соҳасида ҳам илмий тафаккурнинг ижодий ривожланиши учун кенг уфқлар очди. Республикамизнинг таниқли олимлари Ш.Каримов, И.Турсунов, Р.Шамсутдиновлар яратган «Ватан тарихи (мустақиллик даври). Учинчи китоб» деб номланган ўқув қўлланмасининг яратилганлиги бу борадаги илк самаралардан биридир. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимиз тарихининг янги, мустақиллик даврини ўрганишда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари ана шундай қўлланмага жуда муҳтож эдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида мамлакат фуқаролари, айниқса, ёш авлоднинг маънавий камолотида мустақиллик даври тарихининг ўрни ва ролига юксак баҳо берилгани бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар, мустақиллик даврининг ҳақиқий тарихини яратиш ва уни ўрганиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Тузилишига кўра мазкур ўқув қўлланмаси «Кириш», олтита боб ва «Хотима» қисмларидан ташкил топган. Бизнингча китобнинг бундай тузилиши унда қўйилган муаммоларнинг моҳиятини ёритиш ва баён қилиш мантиқига мосдир. Унда мамлакатимиз янги тарихининг энг муҳим муаммолари муайян мантиқий изчилликда қараб чиқилган.

Мазкур ўқув қўлланмасига ихчам, мазмунан кенг қамровли «Кириш» илова қилинган. Унда муаллифлар томонидан Ўзбекистон тарихининг янги даври тарихий чегараси ҳақида илгари сурган мулоҳазалари асослидир.

«Ватан тарихи (мустақиллик даври)» деб номланган мазкур қўлланмада мустақил Ўзбекистон ҳаётида содир бўлган ва бўлаётган буюк ўзгаришлар ҳамда уларнинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти атрофлича ёритилган. Давлат мустақиллигининг мураккаб йўли, адолатли демократик фуқаролик жамияти қурилиши ҳуқуқий асосларининг вужудга келтирилиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш жараёни ва Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаб бораётган ўрни, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, истиқлол йўли стратегиясининг ишлаб чиқилиши, маънавий руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши каби муҳим муаммолар чуқур таҳлил қилинган. Унда мустақиллик даври тарихининг қайси бир муаммоси, содир бўлган қайси бир жараёни таҳлил қилинмасин, бунда диққатга сазовор нарса шундан иборатки, ана шу масалаларга ёндашувда, уларни тадқиқ этишда тарихчилигимизда шаклланиб, барқарор бўлиб бораётган янгича услубий назар, қарашлар устуворлик қилади.

Қўлланманинг қимматини белгиловчи яна бир муҳим омил унинг илмий-услубий ва маънавий асосларининг яққол замонавийлигидир. Муаллифлар мазкур қўлланмани яратишда юртбошимиз Ислом Каримовнинг асарлари, нутқлари ва мақолалари тўпламларида илгари сурилган ва таърифлаб берилган муҳим қоида ва хулосаларидан ўз ишларининг илмий-услубий асоси сифатида самарали фойдаланганлар. Китобнинг манбавий асоси ҳам кенг ва хилма-хилдир.

Китоб «Ватан тарихи» фани бўйича республика Олий ва Халқ таълими вазирликлари томонидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. Бинобарин, у ҳам талабаларни мазкур ўқув предметидан

илмий билимлар билан қуроллантиришга, ҳам ёшларни миллий истиқлол ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек шарафли вазифани адо этишга хизмат қилажак.

Қўлланма матни сўнгида берилган «Хотима» шаклан ихчам, мазмунан чуқур якунлар ва муҳим назарий умумлашмаларни ўз ичига олган ва таърифлаб берилган.

Китоб мустақил Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётининг турли соҳаларини акс эттирадиган жуда чиройли рангли расмлар билан безатилган. Унда келтирилган мустақил Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир хилма-хил кўрсаткичлар, диаграмма ва жадваллар, хариталар китоб мазмунини янада бойитади ва уни ўрганишга ҳар томонлама кўмаклашади.

Айни вақтда бу муҳим қўлланма баъзи бир жузъий нуқсон ва камчиликлардан холи эмаслигини ҳам айтиш лозим. Ўзбекистоннинг саноати ва мулкдорлар синфининг шаклланиш жараёнларидаги муаммолар, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги долзарб масалалар муаллифлар назаридан тушиб қолган. Китобларда жонли мисоллар ва энг муҳими инсонлар фаолияти ўрин олмаган.

Қўлланма матни баъзи ҳолларда тил жиҳатдан ҳам бирмунча таҳрирни тақозо этади. Қисман ғализлик ва ноаниқликлар учрайди. Бундай жузъий камчиликлардан қатъи назар мазкур ўқув қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, тарих муаллимлари ва барча тарихсевар китобхонлар учун зарур ва фойдали китобдир.

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори.

БОЗОР КЎРГАНИ КЕЛИНГ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг бирмунча муддат ўтиб, Қизириқ тумани бозорлари обод бўлиб қолди.

Бу ерда дастлаб мол, тижорат, жума, пайшанба бозори деб аталувчи бозорлар бирлашиб, ҳиссадорлик жамияти таркиб топди. Бу янгиликдан сўнг бозор тушумлари сезиларли даражада, яъни бир ярим баравар ошди.

Жамият тижорат ҳамда мол бозорларига 156 минг сўм харжлаб, ичимлик суви қувури тортди. Аҳоли томонидан тайёрланган маҳсулотларни сақлаш омбори қурилди. Бозорларнинг ҳовлисида 2 минг туп кўчат ўстирилди. Савдо расталари ободонлаштирилмоқда.

— Энди бозорда кун ошиб қоладиган маҳсулотлар учун омборхона, пулли автоулов бекати қурамиз. Бозорда маиший хизмат кўрсатиш нуқталарини икки баравар кўпайтирамиз, — дейди жамият раиси Эгамберди Худойбердиев.

(Ўз мухбиримиз).

ИНСТИТУТ ДАРОМАДЛАРИ

Фарғона политехника институтида ўқув ишлаб чиқариш босмахонаси хўжалик ҳисобига ўтказилган. Институт тасарруфида тикувчилик, ёдгорликлар тайёрлаш цехлари, суратхона каби кичик корхоналар ишламоқда. Бошқа турли тушумлар ҳисобига эса 1996 йилда жами 51 миллион 636 минг сўм даромад қилинди. Бюджетдан ташқари топилган маблағнинг асосий қисми ўқитувчилар ва талабаларнинг ижтимоий муҳофазасига сарфланмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

Партия фаоллари

Музробод дон маҳсулотлари комбинатига борганимда қоронғи тушиб қолганди. Директор — Қурбон Амирқулов ичкарида, комбинат ҳовлисида экан. Бир устахонада темир пайванд қилаяпти. Кўтаргич кран-машина ишлаяпти. Бошқа ишчилар ҳам ўрни-ўрнида.

— Иккинчи — тунги сменами? — сўрайман Қурбон акадан бу манзарани кўриб.

— Смена-пмена деган гап йўқ бизда. Лозим бўлса бир кеча-кундузда ўттиз соатлаб ишлаймиз, — дейди Қурбон ака самимий, носиполик билан. — Мана, кўргин, бетон қоришма тайёрлагич ускуна ясаяпмиз. Ўзимизда бор темир-терсак билан. Ўзимизнинг лойиҳамиз билан.

— Ҳар келганимда битта янгиликнинг устидан чиқарканман-а... Янгича лойиҳага кўра шудгорни текислаш машинаси. Лимонхонага плёнка ёпишнинг янгича усули. Юкни туширш ва ортишдаги янгиликлар. Тегирмон қурилиши...

— Ҳар келганингда бир янгилик, янги иш қилаётган бўлсак демак, яхши ишламаяпмиз, жўра, — дейди директор Самарқандданми келтириб тахлаб қўйилган ғишт уюмига суяниб. — Чунки сен... олти ойдами бир келасан. Биз учун бўлса ҳар куни бир янгилик, янги иш қилиш тушга киргандай бўлиб туради.

Устахона шийпонидаги нима биландир тўлдирилган икки халта диққатимни тортди. Ёнғоқми бу, десам, бир оғир.

— Менинг устахонам ёнғоқхўрлик қиладиган жойми? — деб кулди Қурбон ака. — Халтадаги манави темирлардан чиққан болт, гайкалар. Бу темирларни бир тележка қилиб қайсидир бир гаражнинг чиқиндихонасидан териб келганмиз. Энди бўлса каркасларга тирсак қилиб пайвандлаяпмиз. Бир тонна металл — 50 минг сўм-а, ахир.

— Бош буғолтирингиз комбайн билан ғалла ўради. Омборчиларингиз «хтачи» деган машина биланми юкни ўзлари юклайди. Молнинг охурларига (комбинатнинг тўрт юзданми зиёд қорамоли бор. Тўқсонинчи йили ёрдамчи хўжаликдан гўшт ишчиларга икки сўмдан сотиларди. Ҳозир йигирма сўмданми сотилади) ўзингиз хашак ташлайсиз... Кўрганман-да энди. Подавонингиз молга укол уради — китобий қилиб даволайди. Қандай танлайсиз бундай... кадрларни?

— Худди қариларга ўхшаб савол берасан, — дейди Қурбон ака топиб гапирдимми дегандай мамнун тортиб. — Аввал келганингда булдозерчиман деб мендан иш сўраб келган бир йигитни аттестация қилаётувдим. Эсингдами?

«Ҳа, эслайман», — дейман ва кўз олдимга келтираман: эски аскарча костюм кийган йигирма беш ёшлардаги йигитни Амирқулов саволга тутаяпти: ота-онанг

БИЗ БИЛГАН ОДАМ

СИЙМОСИГА ЧИЗГИЛАР

ким. Уйланганмисан. Аввал нима иш қилардинг. Нега ўша ердан ишдан бўшадинг. Кафтингда носнинг юқи бор. Чекасанми. Ичасанми. Қўлингни бер. Қис қўлимни. Қаттиқроқ қиссанг-чи. Ва ҳоказо.

Кейин Амирқулов сўради:

— Буғ машинасини ким яратган. Статорнинг втулкаси нима вазифани бажаради?

Йигит осмонга қаради.

— Бирни иккига бўлсак, неча бўлади?

— Бирни иккига?! Бирни иккига бўлиб бўлмайди...

— Гўр де. Бало де. Мана, чўп — ҳивич. Битта. Ўртасидан синдир. Иккига бўлиндими. Мингга, миллёнтага бўлса бўлади. Сен бўлса... Сенларга ўқиш керак эмас. Билим керак эмас. Сенларга қовурилган қўй гўшти-ю аччиқ кўк чой керак. Термизнинг телевидениесидан кўрсатиладиган урйиқиту айш-ишрат кинолар керак. Телевизордан кўзинг толиққач, миргай (мурғақ, демоқчи) бошинг билан ғийбатга қўшиласан: ҳа, фалон нарсанинг нархи ошиб кетди, давлат бизни боқмаяпти, пистончининг машинаси иккита... Шундайми? Бор, болама, телевизорингни кўриб ётавер.

— Бормайман, бобо. Ҳеч қаёққа бормайман. Ишлагани келдим. Ишлайман. — Йигит Амирқуловга тикка қаради. Кўзлари чақнаб қаради.

— Ў, ботир болага ўхшайсан. Ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмайдиганга ўхшайсан, — деди Қурбон ака йигитга яна бир карра бошдан-оёқ назар ташлаб — Одамнинг ботирини яхши кўраман. Чунки... ботир одам алдамайди. Хиёнат қилмайди. Давай, эртага ишга кел. Тағинам кўрамиз.

...Комбинатга яна бир борганимда ўша йигитга дуч келиб қолдим. Ишлари яхши экан. Қурбон акани сўровдим, Термизгами, Тошкентгами кетган, деди. Лекин бу ерда қадам олиши-ю фикрлаши билан Қурбон акага ўхшаб кетадиган юзга яқин одам (комбинатнинг одамлари) бор. Икки-учтаси билан гаплашсангиз, Қурбон акани кўргандай бўласиз. Қаранг, ҳатто, чорвоғимиздаги дарахтлар Қурбон акага ўхшаб туради, деб қолди.

Булдозерчи йигитнинг гапни бадиий усулга олиб айтганига завқим келгани баробари иккинчи бир нарсани ўйладим. Раҳбарнинг одамларга, одамларнинг раҳбарга мослашмоғи — тайин гап. Раҳбаринг ўзларингга ўхшайди, деган ҳикмат бежизга айтилмаган-ку.

Лекин комбинатда Амирқулов — битта. «Битта» — кам дегани, кучсиз дегани, ёлғиз дегани эмас.

Асосий иши вилоятда ишлаб чиқариладиган озроққина шолини оқлаш, туманнинг донини қабул қилиш бўлган бу комбинатнинг Амирқуловдай сергайрат одамни чарчатиб қўядиган қандай ҳам ишлари бор экан дерсиз.

Газга, ичимлик сувга зориққанлар бу ерга қувур излаб келишади. Техникасига эҳтиёт қисм, дўконига озиқ-овқат сўрашади. Сўраганини не сабаб биландир ололмаган одам барибир қуруқ қўл, қуруқ кўнгил билан қайтмайди: комбинатдан ва унинг чорбоғидан ҳайрати ошиб, вужудини биз ҳам шундай ишласак бўлади-ку, деган ҳавасу аҳд-қарор қамраб қайтади. Шунинг учун ҳам «битта» — кам дегани, кучсиз дегани, ёлғиз дегани эмас. Бу гапнинг бирники-мингга деган уламаси борлигини сиз ҳам биласиз...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСЛОҲОТ САМАРАСИ

«Сарибий» фермер хўжаликлари уюшмаси Элликқалъа туманидаги кўп тармоқли йирик пахтакор хўжаликлардан ҳисобланади. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, овулларда саноат корхоналарини вужудга келтириш, ишсизларни иш билан таъминлашда қандай ишлар олиб борилаётганлиги ҳусусида уюшма бошқаруви раиси ўринбосари, ЎзХДП ҳудудий партия ташкилоти котиби Бибисора Ешмуротова сўзлаб берди:

— Хўжалигимизда 14 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. Шулардан салкам 3 минг киши қишлоқ хўжалик жабҳаларида ишлайди. Иккита овул касалхонаси, бешта тиббий хизмат кўрсатиш пункти, битта овул шифокорлик амбулаторияси, учта болалар боғчаси ишлаяпти. Уюшмамиздаги 215 та деҳқон фермер 27 та пахтачилик бригадасида жипслашган. Уларнинг ҳаммаси деярли белгиланган режаларини ошириб бажардилар. Уюшмамизда ҳаммаси бўлиб 45 та кичик корхоналар ходимлари халқимизга сидқидилдан хизмат кўрсатишмоқда. «Сарибий» деҳқон бозори, новвот цехи, сутни қайта ишлаш цехлари ва бошқа ўнлаб кичик корхоналар эрта-индин ишга тушиш арафасида.

Мана шу амалга оширилган ва амалга оширилаётган ишларнинг ҳаммаси Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари асосида халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқариб аҳолига етказиб беришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт олами

ҲАМ САХОВАТ, ҲАМ МУРУВВАТ

Яқинда халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, республика Халқ банки билан биргаликда мустақилликнинг 6 йиллигига бағишланган «Инсон манфаатлари учун» телемарафон ва пул-буюм лотереясини ўтказишга қарор қилинди. Лотерея эгаларига юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналардан 60 таси ютуқ учун қўйилади. Булардан ташқари 4 хонали квартира, юмшоқ мебеллар тўплами, «ДЭУ» видеоиккилиги каби ютуқлар ҳам бор. Бир сўз билан айтганда, бу савобли ишда ҳам саховат, ҳам мурувват мужассам.

С. ЙЎЛДОШЕВА.

АКЦИЯДОРЛИК — КОНИ ФОЙДА

Тошкентдаги дори-дармон ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида очилган 88-дорихонанинг очиқ турдаги «Настарин» акционерлик жамиятига айлантирилишидан кўпчилик манфаатдор бўлди. Ўтган икки ярим йил мобайнида касалхоналарга дори-дармонлар етказиб бериш, мулкка бўлган муносабат, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини кафолатлаш каби юмушлар ходимларимизда уйғунлашди. Муҳими, уларда ўз соҳасига меҳр ва масъулият ҳисси пайдо бўлди. Ҳар бир акцияга 100 фоиз дивиденд тўланди. Бултур жамиятнинг устав фонди 128,8 минг сўмга оширилди. Бу — арзон нархларда дори-дармонлар етказиш, улар хилини кўпайтиришга имкон беради.

Т. МАВЛОНОВ.



ХЎЖАИКОН ТУЗ КОНИДА. И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Хатлар

Хатлар

Хатлар

КУНДУЗИ ЎЧИРИБ, КЕЧАСИ ЁҚИШАДИ

Ҳа, Чироқчи туманида қишлоққа панжа орасидан қаралмоқда. Чунки, қишлоқларда кундуз куни электр токи ўчириб қўйилиши одатга айланган. Ҳатто туман марказига туташган қишлоқни газлаштириш масаласи маҳаллий раҳбарларнинг хаёлига ҳам келгани йўқ.

Бу ҳам етмагандек, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги Паканди қишлоғидаги 100 га яқин хонадон апрель ойида электр нуридан батамом бенасиб бўлди. Шу ойда бир қувончли тадбиримни бензинли мотор орқали ўтказдим. Аммо, апрелда кўпчилик тўю томошасини орзу қилган кунларида ўтказа олмаганлигини ҳисобга олсак, қишлоқдошларнинг ташвишини тушунса бўлади.

Куни кеча таъмирланган трансформатор барчани хушнуд қилганди. Афсуски, бу узоққа чўзилмади. Туманда бўлган шамол ва ёмғирдан сўнг, Пакандида яна электр нури йўқ. Боқибеғамлик ҳам эви биланда.

Эркин ТОШТЕМИРОВ.
Қашқадарё вилояти.

ЗАРУР МАҲСУЛОТЛАР БЎЛМАГАЧ...

Қамаши туман матлубот жамиятига қарашли дўконларда аҳвол кўнгилдагидек эмас. Айниқса, Қизилтепа, Савсан, Нагоҳон қишлоқларидаги савдо дўконларининг очилганидан кўра, қулф осиғлиқ турган куни кўп. Натижада харидорлар дўкондорлар ишидан сира қониқишмаяпти.

Қишлоқ савдо дўконларидан энг зарур маҳсулотлар — ёғ, чой, совун, ун ва шакарни баъзан топасан, баъзан йўқ. Сотувчилар билан гаплашганимизда савдо бўлмаяпти, нима қилайлик, дейди яна. Юқоридаги каби зарур маҳсулотлар савдода бўлмагач, савдо бўлмаслиги табиий ҳол эмасми?

Раҳматилло МЕНГИРОВ.
Қамаши тумани.

ТЕРАН ФИКРЛАШГА ЎНДАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази томонидан чиқарилган «Маънавият ва маърифат» деб номланган тест саволлари тўплами талабчан қизиқувчилар диққатини ўзига тортиши шубҳасиз. Қўлланмада танланган мавзулар ўқувчини умуминсоний қадриятлар ва ўзлигини англашга, атрофга теран кўз билан қарашга ундайди. Бу китобни қўлга олган киши ўзининг билими, дунёқараши, тарих, ҳуқуқ, география, она тили, адабиёт, санъат, иқтисод фанларини қай даражада ўзлаштирганлигини билишга уриниб кўради. Бинобарин, қўлланмада тарих улуғ мураббий эканлиги, у асрлар мобайнида инсониятга ўзининг ибратли тимсоллари ва аччиқ хулосалари ила тарбия бериб келаётганлигини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Қизиқувчилар тарихга оид саволларни ўрганаётганда, тарих тафаккур денгизи эканлигини, уни билиш ва ўрганиш фақат юртимиз тарихи ва маданияти эмас, балки инсоният тарихи, маданиятини ўрганганлигини англайдилар. Китобдаги бош йўналиш миллий давлатчилик асосларининг яратилиши, ҳозирги ҳуқуқий, ижтимоий ислоҳотлар, ҳуқуқий демократик жараённинг шаклланиши, мустақил давлатимиз Конституцияси, унинг рамзий белгилари: байроғи, герби, гимни, ҳар бир фуқаро билиши шарт бўлган белги ва воқеаларга қаратилган. Шунингдек, география, адабиёт, иқтисодиётга оид саволларга ҳам кенг ўрин берилган.

Китобнинг эътиборли томони шундаки, бозор муносабатларининг шаклланишига оид термин ва саволлар билан бойитилган. Шу билан бирга китобга ҳозирги кун ўқувчиларининг дунёқараши ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда социология ва руҳшуносликка оид замонавий саволлар киритилганда, янаям яхшироқ бўларди.

Китоб шубҳасиз ўз муштарийларини теран ва лўнда фикрлашга ўргатади.

Муҳаббат ТЎРАЕВА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 9-мактаб тарих ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсаттан ўқитувчи.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Эркин ЭСИРГАДИЕВ саралади.

Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим.
Ислом КАРИМОВ.

АФҒОНИСТОН: ЙЎҚОТИШЛАР, ФОЖИАЛАР, КУЛФАТЛАР

Қўшнилар ҳаётига бир назар

ИККИНЧИ МАҚОЛА

1. ҚУРОЛ - ЯРОҒ ЭНДИ ЁШЛАР ҚЎЛИГА ЎТДИ

Қўшни Афғонистон давлатида кейинги даврда рўй бераётган воқеалар минтақамиз келажаги ҳақида яна бир бор қаттиқ ўйлашга даъват этади. Маълумки, кейинги йилларда уруш офатига учраган бу мамлакатда турли сиёсий-этник гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳокимият учун ўзаро курашмоқда.

Юртбошимиз ва халқимизнинг узоқ давом этаётган уруш хусусида фикри бир — Афғонистонда тинчлик ўрнатилмаса, унга яқин қўшни бўлган Ўзбекистонда биз хотиржам яшай олмаймиз. Уруш, нотинчлик иллатларидан бирининга олайлик.

Марказий Осиё ҳудудига гиёҳванд моддалар асосан Афғонистон орқали кириб келяпти. Бу заҳри қотил оқим эса эртага бутун бир келажак бунёдкори — ёш авлод учун офат бўлиши мумкин. Афғон урушига чек қўйилишидан бизнинг давлатимизгина манфаатдор эмас. Тинчлик ўрнатилса, бутун Марказий Осиё минтақаси равнақига ва албатта, Афғонистонда қатор тармоқлар — коммуникация, транспорт ва алоқа тизимлари, савдо-сотиқ муносабатлари ривожланишига сабаб бўлади. Иқтисодий ривожимизнинг ўзига хос жойларидан бири — денгизга чиқадиган йўл йўқлиги. Шунинг учун ҳам Ҳинд океанига чиқиш давлатимиз учун муаммолар муаммоси ҳисобланади. Афғонистонда тинчлик ўрнатилганда биз илиқ денгизларга энг қисқа масофа — жанубий қўшнимиз ҳудуди орқали чиққан бўлар эдик. У ердан темир йўл ва автомобиль йўллари ўтказар эдик. Бу иншоотларнинг кўп миллиардли молиявий таъминотини жаҳон банклари ўз зиммаларига олишга тайёр. Айни вақтда карвон йўли миллионлаб одамларга ишлаш имкониятини берган бўлур эди. Ҳозирги кунда эса... Уруш давом этаётган узоқ муддат ичида бутун бир янги авлод ўсиб, вояга етди. Бу ёшлар урушдан, қон тўкилишидан ва алам-оғриқлардан бошқа ҳеч нарса кўрмаган, шунга одатланган, шуни ҳаёт тарзи деб ўзига сингдирган. Қурол-яроғ энди шу ёшларнинг қўлидан ўлим ва вайронагарчилик ёғдиряпти. Бу ниҳоятда ачинарли ҳол.

Юқорида баён қилинган фикрларнинг хулосаси шундан иборатки, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ўрнатиш ҳамда иқтисодий ҳамкорлик ва бирдамликни муваффақиятли ривожлантириш Афғонистон ва Тожикистонда давом этаётган уруш ҳаракатларини нечоғли тез тўхтатилиши билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири — минтақавий барқарорликка эришиш. Бунинг маъноси шундан иборатки, дунё миқёсида барқарорликка эришиш учун дастлаб минтақаларда барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш керак. Бунинг учун энг аввало, у ёки бу минтақада олов чиқишини кутиб ўтирмасдан унинг олдини олиш зарур. Акс ҳолда, мана, қўшни Афғонистонда 19 йилдирки биродаркушлик давом этиб келяпти. Лекин, афсуски, уни тўхтатиш, унинг олдини олиш учун дастлаб барча воситалар тўлиқ ишга солинмади. Президент И. Каримовнинг икки маротаба БМТ сессиясида ҳамда 1996 ва 1997 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашларида сўзлаган нутқларидан сўнг ушбу ва қатор бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларнинг маҳаллий можаро-низоларни бартараф этиш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари кучайиб бораяпти. Охирги пайтларда жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистон каби сиёсий-стратегик мавқега эга мамлакатда содир бўлаётган кўнгилсиз воқеалар, фожиали, қирғинбарот, у ерда батамом ўрнашиб олишга ҳаракат қилаётган толиблар сиёсатидан безовта бўлиши, хавотирланиши ҳам табиий, бундай бўлишига сабаб ва асослар етарли.

2. ГУРУҲЛАР, МАНФААТЛАР, ТАЛАФОТЛАР

БМТ Афғонистонда юзага келган хатарли аҳвол туфайли тезкор чора-тадбирлар ўтказди. Унинг Бош Ассамблеяси Афғонистон бўйича махсус миссия тузди, уни таниқли дипломат Норберт Холл бошқармоқда. 1996 йилнинг ноябрь ойида Афғон урушига бевосита ёки билвосита алоқаси бўлган давлатлар иштирокида БМТда Афғонистондаги аҳволга бағишланган халқаро учрашув бўлиб ўтди. У афғон воқелигини ҳисобга олган ҳолда ўтди ва биринчи навбатда ҳарбий тўқнашувдаги тарафларга ўт очишни дарҳол тўхтатиш зурурлиги ҳақида ишончли далил ва исботномалар келтириб ўтди. Халқаро анжуманда БМТ Бош котиби ҳамда АҚШ ва қатор буюк давлатлар вакиллари иштирок этди. Нотиқлар конференцияда қатнашган ва турли афғон ҳарбий-сиёсий гуруҳларига озми-кўпми таъсири бўлган мамлакатларга мурожаат қилиб, ҳарбий техника, қурол-яроғ ва моддий мадад ҳамда бошқа ҳар қандай ёрдам турларини Афғонистонга юборишдан воз кечишни талаб қилдилар. Бундай йўл тутишга маълум давлатлар қатъий ваъда беришлари шарт, акс ҳолда, умумжаҳон аҳамиятига эга афғон муаммоси ҳал бўлмайди. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун барча давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар бир ёқадан бош чиқариб, ўз куч, имконият ва ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда иш кўришлари лозим. Халқаро ҳамжамият томонидан тан олинадиган бўлажак афғон ҳукумати ҳам жаҳон ҳамжамияти олдида террорчиликка йўл қўймаслик, гиёҳванд моддаларни жиноий мақсадларда тарқатмаслик ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш каби масалаларга жавобгар бўлиши шарт.

Афғонистондаги сиёсий-ижтимоий ҳолат ниҳоятда мураккаб. Афғон муаммосининг тезкор ва тўла-тўкис ечимига анча вақтдан бери жиддий тўсқинлик қилиб, ғов бўлиб келаётган воқелик нима? Бу – Афғонистонда қатор буюк ҳамда нуфузли минтақавий давлатлар геополитик ва стратегик манфаатларининг зид келиши, тўқнашиши. Булар орасида узоқ ва яқиндаги катта давлатлар бор. Чунончи, улар ўз таъсирини ва устунлигини қандай қилиб ва кимнинг ёрдамида ўрнатиш, Афғонистоннинг муҳим сиёсий-жўғрофий мақомидан қандай иқтисодий манфаат кўриш, маҳаллий кучлардан кимни ҳокимият тепасига келтириш, яъни ўзларига шерик қилиб олиш каби масалаларга ёндошувларида фарқланадилар. Лекин ўз ғаразли мақсадларига эришишда, бор имконият ва воситаларидан фойдаланишда усталик кўрсатишаяпти. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, афғон сиёсий ҳарбий гуруҳларининг тасарруфида катта миқдорда замонавий ҳарбий техника ва қуроллар бор. Инчунун, у ердаги ҳар бир таъсир кучига эга сиёсий гуруҳ ва шахсиятни, шу жумладан, «Толибон» ҳаракатини ҳам тан олиш ва у билан мулоқот ўрнатиш керак. Лекин унинг раҳбарлари музокараларга кўнмаяптилар. Масалан, январь ойининг охирида Теҳронда Афғонистонда давом этаётган урушни тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига бағишланган анжуманга толиблар ўз вакилларини юбормади. Ҳолбуки, БМТнинг Афғонистон бўйича махсус миссияси раҳбари Норберт Холлнинг музокараларни йўлга қўйиш мақсадида ишчи гуруҳ тузишга уринишлари ақидапарастларнинг муросасизлик руҳи билан тўқнашиб, зое кетаяпти. Фаол жанговар ҳаракатлар қишки қисқа узилишдан сўнг февраль ойидан қайта бошланиб кетди. Ҳозирда «Толибон»лар аскарлари Афғонистон миллий ислом ҳаракати раҳбари генерал Абдурашид Дўстум назорати остидаги шимолий вилоятларга ва шимолий-ғарбда жойлашган Аҳмадшоҳ Масъуд бошчилигидаги Афғонистон ислом жамияти қўшинларига қарши ҳужумни кучайтиришмоқда. Мақсад илгариги – жанубий ва марказий ҳудудларга мамлакатнинг шимолий қисмини ҳам қўшиб олиш ва шу тариқа Афғонистон устидан яккаҳокимликка эришиш. Икки тараф ҳарбий қарама-қаршилигида 210 минг жангчи қатнашмоқда. Моддий ва маънавий талафотлар ҳажми кундан-кунга ортиб бораяпти. Афғонистондаги барча ҳарбий-сиёсий ва этник гуруҳлар (мамлакатда бундай йирик гуруҳлардан саккизтаси мавжуд) уруш ва адоват ҳаракатларини тўхтатиб ёки ташқи кузатувчи мавқеидан воз кечиб, низонинг сиёсий ечимини кўзда тутадиган музокараларни бошлашлари лозим. Бу муаммонинг ҳарбий ечими шу вақтгача топилмади ва бугунги кунда ҳам йўқ. Охирги бир ярим йил ичида мамлакатда бўлиб ўтган қонли воқеа-тўқнашувлар, пойтахт Кобулни бир неча бор ҳарбий рақибларнинг қўлдан-қўлга ўтиши, пировард натижада, бир гуруҳнинг мустаҳкам бошқарувни эгаллашига ёки умуммиллий вазиятнинг барқарорлашишига эмас, балки оғирлашишига, янги қурбонлар билан кўпайишига олиб келди. Ҳарбий уруш йўли афғонларарo можарода ҳеч кимга яккаҳокимлик ўрнатиш учун кафолат бермади.

3. ЖАҲОЛАТ

Толиблар Афғонистоннинг жанубий ва марказий қисмлари ҳамда пойтахт Кобулни босиб олиб, у ерларда амалга ошираётган қирғинлари, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг топталиши, хотин-қизларга нисбатан ўрта аср диний тартиб-қоидаларини жорий этилиши, уларни ўқиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиниши фақат мазкур мамлакатнинг ўзида эмас, балки бутун жаҳонда қаттиқ норозиликка ва шунга жавобан кескин чора-тадбирлар кўрилишига сабаб бўлди. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўлида фаолият кўрсатаётган БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи каби халқаро ташкилотлар толиблар юргизаётган сиёсий-ижтимоий бебошликка, феодал тузум сарқитларини тиклаш ҳаракатларига ўта салбий муносабат билдирмоқдалар. Зеро, хотин-қизларга нисбатан ўқиш, ўз уйларидан ташқарига чиқиб меҳнат қилиш маъно этилганини АҚШ давлат департаменти раҳбари М. Олбрайт хоним «аёлларга нисбатан ўрта аср мутассиб зулмини ўтказиш» деб таърифлайди. Аҳолининг эркак қисмига, айниқса, ёшларни ҳарбий хизматга мажбурий сафарбар қилиш чораси қўлланаяпти. Шу сабаб афғон қочоқларининг сони кундан-кун ошиб бормоқда. Маълумки, толиблар пойтахт Кобулни забт этганларидан кейинги бир ой ичида қочоқларнинг сони 250 минг кишига етди. Асосан, улар мамлакатнинг шимолий минтақаларидан ўзларига бошпана топишмоқда. 10 мингдан зиёд қочоқ эса Покистонга ўтиб кетган. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг мутасадди шахслари оғир, мураккаб ҳолатга тушиб қолганлар. Агар Афғонистонда «Толибон» уюшмаси томонидан инсон ҳуқуқлари поймол этилса, хотин-қизлар қаттиқ тазйиқ ва зулм-зуғум остига олинса, биз ўзимизнинг шиор ва мабдаларимизга хилоф равишда бу мамлакатга қандай қилиб гуманитар ёрдам бера оламиз, деб табиий савол бераяптилар. Шундай қилиб, толиблар нуфузли, иқтисодий имкониятлари катта халқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдамидан ҳам халқни маҳрум қилиш йўлини тутмоқдалар. Яъни ўзлари ўтирган шохни ўзлари чопаяптилар. Айни пайтда мамлакат иқтисодий-моддий ёрдамга ниҳоятда муҳтож, ҳаммаёқда вайронагарчилик ва очлик ҳукм сураяпти. Аҳолининг 95 фоизидан кўпроғи доимий, собит даромад манбаига эга эмас, кўп йиллардан буён халқаро гуманитар ёрдам ҳисобигагина яшаб келмоқда.

Толибларга жаҳон ҳамжамияти томонидан асосий масалалардан бири сифатида хотин-қизлар масаласи қўйилаяпти ва унга риоя қилиш улар билан бўладиган мулоқотнинг биринчи шарти деб тушунтирилаяпти. Ушбу вазият ва Афғонистонга ижтимоий-моддий ёрдам кўрсатиш муаммоси жорий йилнинг январь ойи охирида Ашгабад шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан чақирилган халқаро конференцияда атрофлича муҳокама қилинди.

Конференция қизғин мунозара ва баҳслар натижасида якуний хулосага келди. У «Толибон» раҳнамолари учун қувончли бўлмади. Уларнинг қилмишларига яраша, қидирмишлари ҳам ўзлари истагандай бўлиб чиқмади. Биринчидан, Афғонистонда толиблар томонидан қўлланаётган инсон ҳуқуқларини поймол қилувчи мустабид сиёсат туфайли халқаро ҳамжамият кўрсатаётган ижтимоий-моддий ёрдам таваққуфга учраши мумкинлиги аён бўлди. Бу масала толиблар учун энг мақбул йўл билан ўз ечимини топган тақдирда ҳам жорий йилда кўрсатиладиган ёрдамнинг ҳажми барибир қисқармасдан қолмайди. Мисол учун АҚШнинг ундаги ҳиссаси 50 миллион долларни ташкил қилади. 1996 йилда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг Афғонистонга кўрсатган ёрдами 100 миллион долларга тенг бўлди, жорий йил учун эса 133 миллион доллар миқдорида ёрдам сўралган. Лекин юқорида қайд этилган сабабларга кўра моддий кўмакнинг етиб келиши мунтазам бўлмаяпти.

Иккинчидан, толиблар ҳукумати БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини белгилаш ва тақсимлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Мамлакатдаги ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, инсонпарварлик ёрдамини биринчи галда ўқув-маърифий дастурлар ижроси, ёшлар орасида саводсизликни тугатишга, шунингдек, толиблар билан муомалада бўлмасдан, аҳолининг энг ҳожатманд қисмига турли озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечак билан мадад кўрсатиш кўзда тутилмоқда. Шуни айтиш жоизки, «Толибон» ҳукумати жаҳоннинг ҳеч бир давлати томонидан тан олинмаган ва БМТда Афғонистон ва унинг халқини Б. Раббоний вакиллари намоён қилаяптилар.

Хорижий, хусусан, Ғарбий Европанинг тараққий этган мамлакатлари Афғонистонга кўрсатаётган ёрдами биринчи навбатда инсонпарварлик ғояларига, нотинч юртнинг ва жафокаш халқнинг бугунги оғир, мушкул кунини енгиллаштиришга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, иқтисодий тамойил ва режалардан холи эмас. Афғонистонда қазилма бойликлар охирги ўн йилликлар ва ҳатто, XX аср мобайнида ишлатилмаганлиги туфайли келажак асрда турли хом ашёни айнан шу мамлакат етказиб беради. Афғонистонда эса ранг-баранг ва бой хом ашё манбалари бисёр, буни маҳаллий ва чет эл мутахассислари аниқ-равшан таъкидлаяптилар.

4. ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

Ўзбекистон анъанавий равишда ўзига қўшни ва шерик бўлиб келган давлатлар билан ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ўрнатишга катта аҳамият бераяпти. Хусусан, ён қўшнимиз Афғонистон ҳам шундай давлатлар сирасига киради.

Географик нуқтаи назардан Марказий Осиё ҳудудига Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ташқари, Афғонистон ҳам киради. Шу туфайли Афғонистондаги 19 йилдан бери давом этаётган уруш минтақадаги энг чигал муаммолардандир. Ўзбекистон раҳбарияти ушбу хавфли уруш ўчоғини ўчириш ва минтақада кенг қамровли хавфсизлик тизимини барпо этиш йўлида қатор таклиф ва тадбирларни амалга оширди. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1993 йил 28 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ҳамда 1995 йил 24 октябрида БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқларида жаҳон жамоатчилиги фикрини бир-бири билан боғлиқ бўлган Тожикистон ва Афғонистон муаммоларига қаратди ва холис муносабат самарасини бера бошлади. 1995 йил сентябридан бошлаб Тошкент шаҳрида БМТ доирасида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган доимий кенгаш-семинарнинг иккита йиғилиши бўлиб ўтди ва уларда қабул қилинган тинчлик ўрнатиш борасидаги режа ва тадбирлар ҳаётга татбиқ қилиняпти. Булар Афғонистон ва Тожикистонга қурол-яроғ етказишни тўхтатиш, халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши изчил ва муросасиз кураш олиб бориш, аҳолини иш жойлари билан таъминлаш каби фаолият турларидан иборат.

Афғонистонда урушни давом эттираётган, Тожикистонда вазиятнинг қийинлашувига сабаб бўлаётган куч ва доираларнинг муддаоси — Марказий Осиё давлатлари ва биринчи навбатда иқтисодий мустаҳкам ва сиёсий барқарор Ўзбекистонда бунёдкорлик руҳи билан суғорилган ҳаётни издан чиқариш, бу ерларга ҳам низо ва уруш уруғларини сочишга пайт пойлаб тургани аён.

Маълумки Президент И. Каримов 1992 йил Афғонистон билан алоқаларни яхшилаш, кенгайтириш ва истиқболий ривожлантириш борасида ташаббус билан чиқди. Шундан кейин икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, қатор ўзаро манфаатли ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Афғонистон билан ҳар доим яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга интилган ва ҳозир ҳам бу йўлда тинмай, изчил фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз Афғонистондаги урушаётган томонлардан биронтасига ўз хайрихоҳлигини намойиш этиб, ёрдам кўрсатишни мутлақ эп кўрмайди ва бундай хатти-ҳаракатнинг қайси жиҳатдан амалга ошишидан қатъи назар Афғонистоннинг ишларига аралашиш деб баҳолайди. Ўзбекистон давлати қўшни Афғонистон халқининг хоҳиш-иродасига тўла мос келган ҳолда унинг келажагини қуйидагича тасаввур қилмоқда: Афғонистон ўз ҳудудий яхлитлигини сақлаб, бугунги чегараларида тинч-тотув, бахтли ҳаётини қураётган барқарор, бошқа давлатларнинг мустақиллигига дахл қиладиган ҳеч бир ташқи манфаатни олдинга сурмайдиган, сиёсий ва ҳарбий майдонга айланмаган мустақил, суверен давлат бўлиши лозим.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун олиб борилган саъй-ҳаракатларда «Толибон» гуруҳини ҳам назардан соқит қилмаслик лозим. Айни пайтда улар ҳам маълум муроса ва келишувларга хайрихоҳлик билдиришлари керак. Бундай мавқе бирор-бир рақиб тараф ёки шахсият манфаатини қондириш учун эмас, балки мамлакатнинг тинч, барқарор ва бунёдкорлик келажаги учун зарур. Бу интизорлик билан кутилаётган тинчлик сари бурилиш бутун минтақада барқарорликнинг таъминланишида ижобий ҳисса бўлади, бу ердаги қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг оқимини кескин камайтиради ҳамда минтақа ва унинг ташқарисида қўпорувчилик фаолиятининг қўллаб-қувватланишида фойдаланаётган ҳарбий тайёргарлик лагерларини бартараф этади. Мазкур чора-тадбирларнинг амалга ошиши мамлакатга келтирилаётган қурол-яроғ оқимига тўсиқ қўйиш билан бевосита боғлиқ. Зеро ташқи мамлакатлар ўзларининг афғон қуролли гуруҳларига бўлган таъсирларини қарама-қарши тарафларга қурол-аслаҳа ва маблағ юборишга, яъни урушни кенгайтиришга эмас, балки хавотирли ва нозик масалани ақл-идрок устунлиги, керак бўлса, ён босишлар асосида ижобий ҳал қилиш йўлида ишлатишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, аксарият халқаро кузатувчиларнинг баҳолашига кўра, Афғонистонда яшайдиган турли элат ва халқларни ҳурмат қиладиган, уларнинг ҳар бирининг манфаатларини ҳисобга оладиган ва вакилларини қамрайдиган кенг аснодаги ҳукумат ташкил бўлмагунча мамлакатда мустаҳкам тинчлик ўрнатилмайди.

Президент Ислом Каримов шу йилнинг 13 май куни Ашгабадда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқларининг навбатдан ташқари учрашувида сўзлаган нутқида ҳам бевосита минтақанинг «оловли нуқталари» ҳақида махсус тўхталди: «ЭКО доирасидаги иқтисодий интеграция жараёни минтақанинг «оловли нуқталари» муаммоларини четлаб ўтолмайди. Мен Афғонистон ва Тожикистонни назарда тутяпман. Токи қўшниларимиз ҳудудида беқарор вазият сақланиб турар экан, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ётқизилаётган темир йўл шаҳобчалари ёки қурилаётган катта автомобиль йўлларидан салмоқли натижалар кутиш мумкинми?

Биз бу мамлакатлардаги аҳволни яхшилаш учун уларнинг ички ишларига ҳар қандай аралашишни тўхтатиш, уларга иқтисодий ўсишнинг аниқ лойиҳаларини таклиф қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз».

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати жаҳондаги муҳим ва долзарб муаммолар, шу жумладан, Афғонистонда уруш ҳаракатларини тўхтатиш масаласига бўлган фаол муносабати, диққат-эътибори ва ҳаётга татбиқ қилинишига қаратилган чора-тадбирларининг чуқур ўйланганлиги, замонага ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Зотан, давлатимизнинг ушбу ҳамда БМТ фаолиятини такомиллаштириш, Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этиш, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш бўйича музокараларни охирига етказиб, вазиятни барқарорлаштириш каби қатор муайян ва амалий ташаббуслари кенг жаҳон жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса уларнинг бажарилишига яхши замин яратилишига умид бағишлайди. Зеро, халқаро ҳамжамият юз минглаб одамлар ёстиғини қуритаётган бу қонли урушга чек қўйиш пайти аллақачон етган.

Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.



Ўн саккиз минг олам

«СИНДЕР» – ХАЛОСКОР

КАЛИФОРНИЯ. Орандж-каунтилик Лоренцо Эбандис «Синдер» лақабли итини ўзининг «Халоскорлик» медали билан тақдирлади.

Олдинига одамлар бўйнига медаль осган итни кўрганда бироз ажабланишди. Йўқ, нишонигамас. Умуман хориждa кўплаб итлар шундай нишонни шодаси билан осволади. Чунки улар қайсидир мусобақа ғолиблари бўлиши мумкин.

Синдерники бошқача — эгасиники: «Халоскор ўт ўчирувчи»ларники. Эбандис уни ўз халоскори деб билади. У бундан тўрт йил олдин ёнғин чиққан уйдан болани олиб чиқаётиб, устига девор қулаганди. Ажойиб ўт ўчирувчи аланга домидан болани омон олиб чиққанида шу медаль билан тақдирлашганди. Шундай қимматли нишонни Синдерга муносиб кўрди. Бонси, бор албатта. Айтганича бор, у халоскор.

Эбандиснинг Кумамонъядаги ранчоси Болди тоғ этагида. Одатдагидек улар сўқмоқ бўйлаб сайрга чиқишувди. Ёнида Синдер ити, ротверер зотли Риносиям бор эди. Бирдан Синдер таққа тўхтаб, қулоқларини динг қилди. Худди бир шовурни олаётгандек тек қотиб турди. Сўнгра ғингшиб орқага тисарилди, ғайритабиий улиё бошлади. Зўр бериб хўжасини орқага қайтишга ундай бошлади. Эбандес «Синдернинг тоби қочди, шекилли» деб ўйлади. Орқага яна бир соатлик йўлни босиб уйга келишди. Энди нафасини ростлаб турувдиямки, беҳосдан кўкрагида қаттиқ санчиқ турди. Ерга қулаб тушди. Телефон икки қадам нарида эди. Ётоқхонадаги хотинини ёрдамга чақиришгаям ҳоли қолмади.

Шу пайт қутилмаганда ғалати воқеа рўй берди. Синдер телефонни тумшуғи билан суриб хўжасининг бошига олиб келди. Юз тубан тушган Эбандесни чалқанчасига ағдара бошлади. Хўжаси аранг керакли рақамни терди-911.

Хайрият улгурибди. Шифохонада ўзига келди.

— Ҳаётимдаги энг мудҳиш дамда Синдернинг жасорати билан тирик қолдим, — дейди Эбандис. — Унинг «гапига» кириб уйга қайтмасам, айни вақтда қўнғироқ қилишга улгурмасам омон қолишим қийин эди-да. У халоскорим-тақдирладим...

Бундай воқеалар кўп содир бўлади.Ит ҳамиша эгасига вафодор. Баъзан қўпол бўлса-да, «итдек вафодор!» дейишади. Ҳар қандай инсон ҳайвонот оламига кўнглида меҳр-шафқат туйғусини туйиб яшагани маъқул. Зеро, улар шунга жуда яраша.

Саида ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

** * **

●Буюк Британияда чиқадиган «Санди Таймс» газетасида Испания шаҳзодаси Филиппнинг шахсий ҳаётига оид мақола эълон қилинди. Хушбичим, маърифатли 29 ёшли шаҳзода Филипп ўзи учун гўзал ёр, Испания учун эса адолатли қиролича бўладиган қайлиқ изламоқда. Бўлажак рафиқасини у ишчан, мустақил ва, айниқса, баланд бўйли аёл бўлишини хоҳлайди. Мақола муаллифининг ёзишича, бундай қайлиқни топиш Филиппга осон бўлмайди. Биринчидан, Испаниянинг бўлажак қироличаси ўзининг интеллектуал салоҳияти ва ташқи кўринишидан ташқари олий табақали оиладан бўлиши керак. Иккинчидан, католиклар дини вакили бўлиши ва учинчидан, Филиппнинг қайлиғи парламент аъзоларига маъқул келиши керак. Шаҳзода Филиппнинг бўлажак қайлиғига бундай қаттиқ талабларни қирол аъзолари ўта зарур деб ҳисоблашмоқда.

● «Дейли Телеграф» газетасининг ёзишича, инсон организмига асалари асали баъзан зиён ҳам етказиши мумкин экан. Масалан, Буюк Британия олимлари болаларнинг муттасил ва кўп асал истеъмол қилишлари ошқозон-ичак заҳарланишига, шунингдек ботулизм касаллигига йўқлиқтиришини аниқладилар. Гап шундаки, асалари боли айрим ҳолларда организмдаги бактерияларга қарши ўта паст даражада ҳимоя имкониятига эга бўларкан. Агар катта ёшдаги кишилар организми мустақил равишда бундай бактерияларга қарши курашолса, болалар организми эса баъзи ҳолларда бунга дош беролмас экан. Олимлар шу боис кичкинтойларнинг асал истеъмол қилишларини камайтириш ёки умуман болалар рационидан уни олиб ташлашни тавсия этмоқдалар.

«ТУЗ»НИНГ ФАРҚИГА БОРИШМАДИ

Бошқирдистоннинг Сусади-баш посёлкасида яшовчи оилалардан бирида фожиа юз берди. Галина тушликда бир ўзига овқат қилди. Фақат тузнинг ўрнига янглишиб, бир кун аввал харид қилиб келган аммоний нитратни қўшиб юборди ва бу янглишувга у ҳаёти билан жавоб берди.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

Оила бошлиғи аёлини кўмгач, қариндошуруғларини чақириб, кичик маърака ўтказди. Буни қарангки, маъракадаги овқатга ҳам туз ўрнига ўша қурғур аммоний нитратни қўшишди. Яна фожиа юз берди. Маъракага келганлар овқатдан заҳарланишди. Натижа шу бўлдики, 9 киши оғир аҳволда касалхонага ётқизилди, 3 киши ҳаётдан кўз юмди.

БОЛАЛАР НАЗОРАТДА

Бундан икки йил муқаддам Калифорниянинг Сакраменто губернатори ажойиб қонунни тасдиқлаган эди. Унга кўра кимнинг ўғил ё қизи жамоат транспорти ёки жамоат жойларидаги деворларга чизса, умуман бирон-бир шикаст етказса, ота-она маъмурий жавобгарликка, яъни жамоат жойларида бир кун ишлаб беришга «ҳукм» қилинади.

— Бугунги кунга келиб, бу қонун ўз самарасини бермоқда, кўчаларимиз, транспортларимиз озода ва сариштa бўлиб бормоқда, — дейди қонун муаллифи, депутат Том Коннели. — Бундан ташқари болаларимиз ҳам анча тартибли бўлиб қолишди.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 22-may, payshanba № 59 (22.149).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

XALQARO KINOFESTIVALI TOSHKENT-97 INTERNATIONAL FILM FESTIVAL

Бугун Тошкентда XII халқаро кинофестиваль очилади

СУРАТДА: японияликлар кинофестивалнинг дастлабки меҳмонлари.
Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

БУЮКЛАР БЕШИГИ — ҚАДИМ ТУРКИСТОН

Шеър ва шуур

ЮРТ МЕҲРИ

Чорлади қошига ўлкалар йироқ,
Ғаройиб сафарлар яратди жонни.
Фаранг, Олмон юртин сайр этдим, бироқ
Соғиндим бир зумда Ўзбекистонни.
Кездим турфа араб мамлакатларин,
Томоша айладим барака-қутни.
Кўзимга сурсам-да Макканинг гардин,
Қўмсадим ҳар лаҳза мен она юртни.
Ҳиндистонни кўрмоқ орзуси дилда,
Ҳимолайдан қорли довонлар ошдим.
Мафтун қилса ҳам бу сеҳрли ўлка,
Бироқ мен уйимга — юртимга шошдим.
Саёҳатни ҳавас қилдим тинмайин,
Англадим нелигин айрилиқ-фироқ.
Не тонгки, жаҳонни кезганим сайин,
Ўзбекистон, сени севдим қаттиқроқ!

БАҲОР ТАШРИФИ

Баҳор ташрифидан севинмай нега,
Буткул янгиланиб, яшнади олам.
Қарасам, уст-бошинг тор келиб сенга,
Бўйларинг чўзилиб қолибди, болам!
Байрамнинг шукуҳи борлиқда бу кун,
Бунча энтикасан, юзлари лолам?
Кўчага чиқаман дейсан, мен —дилхун,
Оёқ кийиминг ҳам тўзгибди, болам!
Музларни ёритди офтоб нурлари,
Гоҳ севинч, гоҳ ғамдан кўзда ёш-жолам.
Бунча аччиқ экан турмуш дегани,
Мен тотдим заҳрини, сен тотма, болам!
Ажаб, теваракда навбаҳор сайли,
Менинг-чи бўғзимни қитиқлар алам...
Уст-бошим тўзган деб ўксима, майли,
Умринг тўзгимасин ҳеч қачон, болам!

ВАТАН

Қисмат мени ташласа
Сендан йироқ-йироққа,
Келсам агар юзма-юз
Бундайин зўр фироққа,
Ялпизнинг бўйларидек
Урилгайсан димоққа,
Ватан, исминг ёд этсам.

Болаликда тинглардим —
Эртакларинг жангари.
Ҳайратларга чўмганман
Бойчечаклар сингари.
Қулоғимда жаранглар
Гоҳ турнанинг мунглари,
Ватан, исминг ёд этсам.

Баҳор пайти эсгандек
Водий узра шамоллар —
Юрагимдан дафъатан
Кетар ўкинч-малоллар,
Томиримда мавжланар
Ширин, юксак хаёллар,
Ватан, исминг ёд этсам.

Қолмас дилда армон ҳеч,
Орзуимга етарман.
Бир кун жимжит дунёга
Мен ҳам сингиб кетарман.
Нима ўзи мангулик —
Аён идрок этарман,
Ватан, исминг ёд этсам.

Vatanni sevmak iymondandur!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«КИНОФЕСТИВАЛЬ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзларни шаклда «занжир» ҳолида ёзиб, машқни ҳал этинг.

1. Ватанпарварлик, севги-садоқат мадҳ этилган, қозоқ халқ эпоси асосида суратга олинган фильм.

2. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони асосида «Тожикфильм»да экранлаштирилган «Чилангарнинг байроғи» фильми қаҳрамони. 3. XII Тошкент халқаро кинофестиваль ҳайъати аъзоларидан бири, япониялик кино санъаткор. 4. «Мейд ин Индия» ашулалар дастаси билан танилган ҳинд қўшиқ устасининг исми. 5. «Келинлар қўзғолони» фильми қаҳрамони.6. XII Тошкент халқаро кинофестиваль соврини. 7. «Тоҳир ва Зуҳра» фильми билан танилган ўзбек кинорежиссёри. 8. Машҳур ҳинд раққосаси ва киносанъаткори. 9. «Авария — миршаб қизи» фильмида бош ролни ижро этган киносанъаткор. 10. Таниқли адиб, Қирғизистон халқ ёзувчиси, кинофестиваль ҳайъати аъзоси. 11. Тошкент фестивалида намойиш этилган Япония фильмларидан бири. 12. Покистонлик режиссёр, «Лой қўғирчоқ» фильми муаллифи. 13. «Оқ қўйлак» картинаси экранлаштирилган Африка шимолидаги мамлакат. 14. «Она Ҳиндистон» фильми қаҳрамони. 15. Қаҳрамонни гавдалантирувчи санъаткор. 16. Мардлик, жасорат мадҳ этилган жангнома қаҳрамони. 17. Санъат асарларидаги бош мавзулардан бири. 18. XII кинофестиваль шиорларидан бири. 19. Эрксевар халқлар орзуси. 20. Миллий қадриятлар, севги-садоқат акс эттирилган машҳур туркман фильми. 21. Ҳинд санъаткори, Тошкент кинофестивали иштирокчиси, аёллар образи устаси. 22. «Фильм^S» журнали чиқарилаётган Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси. 23. Фильмни безатувчи санъаткор. 24. Ҳамкорликда суратга олинган «Алибобо ва қирқ қароқчи саргузаштлари» фильми режиссёрларидан бири. 25. Режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг фантастик мавзудаги фильми. 26. Ҳажвий қаҳрамонларни маҳорат билан гавдалантирган таниқли санъаткор. 27. «Қасоскорнинг олтин боши» фильмида Ҳамза Умаров ўйнаган бош қаҳрамон. 28. Режиссёр Фарҳод Ҳайдаровнинг «Гуноҳ» фильми қаҳрамони. 29. XII Тошкент кинофестивали гимни муаллифи.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**



КИНО БОЗОРИ АВЖИДА

Тошкент халқаро кинофестивалларининг асосий шиори миллатлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашдир. Бу галги кинофестивалда ҳам янги-янги дўстона алоқаларнинг юзага келишига имонимиз комил. Шу боис ҳам мамлакатимиз пойтахтида XII Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Кинолар намойиш этиладиган саройлар, кинотеатрлар яхши безатилди. Айниқса, фестивалнинг очилиш ва ёпилиш тантаналари бўлиб ўтадиган Халқлар дўстлиги саройи саҳнаси одатдагидан кўра гўзалроқ қилиб безатилди. Истеъдодли мусаввир Бахтиёр Тўраев бу вазифани аъло даражада бажарди. Қисқа муддат ичида муҳим ишлар амалга оширилди.

Тошкент кинофестивалининг яна бир жиҳати шуки, Киночилар уйида ўзига хос бозор фаолият кўрсатади. Бинобарин, Тошкентда ўтказилган аввалги кинофестиваллар жараёнида ҳам кино бозори авж оларди. Бироқ, кино бозори асосан Москвадан келган мутахассислар томонидан бошқариб туриларди. Бу галги кинофестиваль эса мустақил республикамиз томонидан илк бор ўтказилаётгани учун кино бозори раҳбарларининг масъулияти янада ошди. Бозор асосан Киночилар уйининг кўргазмалар залида ташкил этилмоқда. Ушбу кино бозорининг асосий ҳомийлари «Coca-Cola» ва «Совпластитал» қўшма корхоналаридир.

Бизга хабар беришларича, кино бозорида ҳозирча 7 мамлакат вакиллари қатнашиш истагини билдиришди. Масалан, Япония, Молдова, Афғонистон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон шулар жумласидандир. Кинофестиваль айни қизиган кунларда бозор иштирокчилари сони янада ортиши кутилмоқда.

Яна диққатга сазовор томони шуки, кино бозори иштирокчиларининг барча харажатларини уларнинг ўзлари қоплайдилар. Чунончи, ҳар бир иштирокчининг аккредитацияси 300 АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Улар истаган фильмларини қанча бўлса шунча сотиш учун таклиф қилишлари мумкин. Видео жиҳозлар мажмуи, битта кинозал, фильмлар рекламаси учун эълонлар тахтаси улар ихтиёрида бўлади.

Яна бир гап. Бу гал кино бозорида Ўзбекистон киностудиялари ҳам дадил иштирок этадилар. Масалан, «Ўзкинохроника», «Инсон», «Мерос», «Ирисфильм» киностудиялари, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси шулар жумласидандир. Сотувга қўйиладиган кинолар ҳам турлича. Чунончи, Исамат Эргашев ва Бақо Содиқов суратга олган икки қисмли «Буюк Амир Темур», «Мерос» студиясида суратга олинган «Буюк ипак йўли» фильми, «Инсон» киностудиясида яратилган бешта фильм бозорга чиқарилади.

Аслида кинофестиваль халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, миллий маданиятларни бойитишга хизмат қилади.

Демак, кинофестивалдан ҳамма шод бўлади.

ҲАЗИЛ

У умрни ҳазил деб билди,
Ўтаверди йиллар басма-бас.
Юрагини на армон тилди,
На вужудин қуйдирди ҳавас.

Англамади дунёни теран,
Назар-писанд қилмади чоғи.
Эътиборин тортмади сира
Қизғалдоқнинг учган ялпоғи.

Умрни у билди бир ўйин,
Иқтидори йўқ эмасди, ҳай.
Товламади бир ишга бўйин,
Тоқати йўқ жонсарак қушдай.

Баъзан буюк режалар қурди,
Нега у ҳам истамасин шон.
Лекин доим кейинга сурди,
Улгураман дея ҳар қачон.

Йиллар эса тўхтамас бир дам,
Йиллар мисли югурик тулпор.
Қайрилмагай ортига ҳеч ҳам,
Илтимос қил, ялингин, ёлбор.

Сочди елга ҳар бир онини,
Яшади у ҳазилга мойил
Ва оларкан бир кун жонини,
Ҳазиллашдим, деди Азроил.

ТУРКИСТОН

Одил ЁҚУБОВга

Сен на ҳаволандинг, на кўкрак кердинг,
Тарихда тоабад топиб ўчмас шон.
Не-не фарзандларни дунёга бердинг,
Буюклар бешиги — қадим Туркистон!

Тож-тахтлар тўзгиган уфқлар аро
Кезар уйқу билмай бир ажиб ёғду.
Шунчаки ярқ этган нурмас бу асло,
Улуғ Яссавийнинг ўлмас руҳи бу!

Тўлгайдир ҳикматга башарнинг қалби,
Турфа хислатингдан сўз очса ровий.
Муаллими соний унвонин олди,
Ахир, шу тупроқдан чиқиб Форобий.

Ўғлонларинг кўксин ўққа тутдилар
Асрий тилакларинг бўлсин деб вожиб.
Буюк саодатинг қуйлаб ўтдилар
Аҳмад Югнакий ва Юсуф Хос Ҳожиб.

Нетардик Қошғарий туғилмаса гар,
Дардларинг туркона сўзлаб ўтди у.
Етди ғаминг устоз Миртемир қадар,
Сени онам дея бўзлаб ўтди у.

Кечди замонларнинг севинч-алами,
Мўътабар зотларга сен қолмадинг зор.
Тағин бир фарзандинг ўтли қалами
Мирзо Улуғбекка шон берди такрор.

О, қадим Туркистон, жаҳон қолган тек
Иқтидоринг гоҳо сермаганингда.
Довруғинг бари бир бўларди кемтик,
Одил Ёқубни гар бермаганингда!

ЧОРЛОВ

Кўклам булутлари этагин судраб,
Остонамга қадар келдилар тонгда.
Мен эса то мудом жунжиқиб, мудраб
Ётардим ғуссалар бағрида, ғамда.

— Нега юрагингда бунча зимистон,
Уйғон, тонг дунёни турибди алқаб.
Энди сенга ғусса ярашмас, инсон, —
Дея тўп булутлар кетдилар тарқаб.

Боқди деразамдан кўклам чароғи,
Еллар қанотида нур боғлаб шоён.
Ғурубимдан у ҳам ёзгирди чоғи,
Деди: — кенгликларга чиқ энди, инсон!

Ложувард қирларга бўлдим рўпара,
Сўқмоқлар дафъатан кетди етаклаб.
Майсалар изимдан қолдилар қараб,
Мени саволларга тутди чечаклар.

Дедилар: — қиш қаҳрин енгиб чиқдик биз,
Бўлсак ҳам нораста, бўлсак ҳам нимжон.
Борлиқ ажиб руҳга йўғрилган бу кез
Сенга умидсизлик ярашмас, инсон!..

Мирпўлат МИРЗО.

ТАШАМАМИ Ё ЧЎЗМА?

Пазандалик санъати

Овқат ҳар уйда, лаззат бир жойда, деган нақл бор. Яна айтишадики, келиннинг овқатини ширин қилган қайнимнинг масаллиғи. Балки тўғридир. Овқатнинг тотли ва мазали бўлиши масаллиғга ва унинг сифатига боғлиқ. Афсуски, қўй ёғ, қўй гўшт сифатли сабзавотлар тўла дастурхонда кўнгилтусар таом тайёрлашни ҳар ким ҳам эплайвермайди. Шундай пайтда эссиз масаллиғ, деб қўя қоласиз. Таом тайёрлашнинг ўзига хос йўриғи, мароми, айниқса обиоташ меъёрини билиш зарур бўлади. Чунки, ҳар қандай пишириқ ва егуликлар ўт билан сувнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Тушки пайтлар кўчага чиқиб қолсангиз тотли таомлар пиширадиган жойларни излаб юрган хўрандаларга дуч келмай иложингиз йўқ. Айниқса, бу ҳайдовчилар ўртасида яхши удум бўлган. Боиси, улар шаҳар кезиб, мазали таомлар тайёрланадиган масканларни кўз остиларига олиб юрадилар. Шунинг учун ҳам сели оқиб турган сомса-юманти, ҳиди олислардан келиб турувчи барра кабобу таомлар «додаси» паловхонтўрани излашни кўпчилик хуш кўради. Шунингдек, ҳамиша хамирли таомлар, хусусан, лағмонлар тайёрланадиган гўшалар гавжум бўлади.

Биз Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон шаҳар-қишлоқларида хамирдан тайёрланадиган таомлар тури хусусида фикр юритмоқчимиз. Туронзамин аҳолиси ошхоналарида тайёрланадиган овқатларнинг 50 фоизини хамир таомлар ташкил этар экан. Қардош халқлар пишириқларида деярли фарқ бўлмасада, айрим жиҳатлари билан уларни қаерда ҳозирланганини ажратиш мумкин. Хусусан, патир, ғумма, ғилминди, юпқа, қовурма, чучвара, сомса, қатлама, варақи, норин каби таомлар диёримиз аҳлига мансуб таомлардан саналади. Жами юртимизда 30 хилдан кўпроқ номдаги хамир таомлар тайёрланади. 20 хил нонлар ёпилиши ҳам диққатга сазовор.

Халқ ўртасида лағмонларни тайёрланишининг ҳар хили маълум. Аслида лағмонлар хоҳ у ташама ё чўзма бўлсин тайёрланиш технологиясининг келиб чиқиши уйғурларга мансублиги ҳаммага аён. Ўзбекистонда эса лағмонлар ўзига хос тайёрланади. Кесма лағмонлар ҳозирланганда косаларга сузилиб, устига қайла солиб, кўкатлар сепиб дастурхонга тортилади. Шунингдек, хамирни юпқа ёйиб, энлироқ кесиб, лаганларга ҳам сузиш мумкин. Бу таом бешбармоқ ёки шилпилдоқни бироз эслатади.



Чўзма лағмон тайёрловчилар унинг хамирини қандай ҳозирлашни яхши билишади. Фақат хамирлардан пилталар ясаб, ёғлаб, чўзиш мумкин. Шунингдек, хамирдан дастакдек кесиб олиб, уни яхшилаб чўзиб, эшилади. Хамир шундай етиладики, йўғон ингичкалиги бир текис бўлиб қолади. Кейин суправда яхшилаб унлаб, ингичка тортгунга қадар чўзилади. Қизиғи шундаки, бундай миллий таомларни замонавий технология асосида, механизмлар кўмагида кўплаб ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаяпти. Ҳозирча камроқ тайёрланаётган бўлсада мазалиги билан хўрандаларни ром этиб келмоқда.

Миллий таомларни тайёрлашда уларни ёғли ва гўштли бўлишига кўп эътибор беравермай, кўкатлар, сабзавотлардан фойдаланган ҳолда тез ҳазм бўладиган, кишига куч-қувват бахш этадиган тарзда ҳозирлашни унутмаслик керак. Аслида ҳам миллий таомларимиз кучлилиги ва дармондориларга бойлиги билан Оврўпа пазандачилигидан тубдан фарқ қилади.

Одилжон МАҲМУДОВ, техника фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1993 йил 10 декабрда Гурлан акционерлик жамиятига берилган ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари Ўзбекистон давлат жумҳурият реестрига №АО-А/954 бўйича киритилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар П. Бенков номидаги республика Рассомчилик билим юрти томонидан 1996 йилда Бахтиёр Баҳодирович Қурбонов номига берилган №006013 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Жарариқ мавзесидаги уч хонали уй
СОТИЛАДИ
Соат 20,00 дан кейин блок «Д» 16-уй 8-хонадонга учрашишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Селена» масъулияти чекланган жамият
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: ***48-68-35.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли II Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, суд тиббиёти экспертизаси бош бюроси, суд тиббиёти кафедрасининг мудири, профессор Жалил Жалоловга онаси **Барно АҲРОРҚУЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.